*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 12 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 208 (5.001).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин







**Оққўрғон райони деҳқонлари бу йил Ватан хирмонига 60.000 тонна оқ олтин тортиқ қилишади. Куни-кеча Алимкент пахта тозалаш заводида дастлабки ҳосилни қабул қилишга бағишланган «Қизил карвон» байрами бўлиб ўтди.**

СУРАТЛАРДА: 1. Район партия комитетининг иккинчи котиби Н. Дон пахтакорларни табрикламоқда. 2. Байрам тантаналаридан лавҳалар.

П. ЭРГАШЕВ олган суратлар.

*Мард майдонда билинади*

# ОҚ ЙЎЛ, СУВОРИЙЛАР!

Андижонлик механизаторларнинг бугунги ҳолатлари ўзгача: дилларида тошқинлик, ҳаракатларида жўшқинлик ҳукмрон. Уларнинг сўзларида баландпарвозлик ва сунъийлик йўқ. Рост гапиришда ҳикмат ва барака бор.

Йигирма йилдирки, бу юрт суворийларининг фидойиликларини кузатаман. Улар шунча кўп бўлса, нега Андижон вилояти бир неча йиллардан буён ортда қолиб келади, дерсиз? Ҳақли ва аччиқ эътироз. Барибир мен уларни шунқорлар деб атагим, Манноб Жалолов, Ҳафиз Полвонов, Соттибой Шокировлар номини меҳр билан тилга олгим келаверади. Уларнинг издошларидан умид кўзларимни узгим келмайди. Начора, суворий шунқор бўлгани билан тулпори майиб бўлса, ҳар иккиси монанд бўлса-ю, майдон торлик қилса, ҳаммаси уйғунлашсаю соврин берувчиси нобоп бўлса, пойгадан файз кетади.

Пахтачиликни механизациялаш ҳақида гап борадиган давраларда албатта Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалиги тилга олинади. Бунга шу жамоанинг механизаторлари боис. Узоқ йиллардан бери мавсум суръатини кузатаман. Мазкур хўжаликда терим эл қатори бошланади. Машина теримига киришилади-ю ўринлар остин-устун бўлиб кетади. Кунига 5—6, ҳатто 8 фоизга етказиб пахта тайёрланади. Дала йўлларида хом ашё ортилган машиналар, аравалар карвони пайдо бўлади. У йиллик режа бажарилмагунча узилмайди. Қандай қувонарли манзара! Бу ҳам суворийлар шунқорлигидан.

Куни-кеча совхоз механизаторлари даврасида бўлдим. Уларнинг сафи мустаҳкамлигидан, сўзларининг қатъийлигидан ғурурландим. Бир юз йигирма нафар суворий 59 та терим машинасини аллақачон шайлаб қўйишибди. Улар мавсум бошлангач, ҳар куни режага нисбатан 5 фоиз миқдорида оқ олтин саранжомлаш, 15 иш кунида эса маррани эгаллаш ниятида.

Шу кунларда 14 та «ОВХ-28» агрегати юқори унум билан ишламоқда. Ҳар куни 250 гектардан зиёд майдонга махсус дефолиантлар сепилмоқда. Режага кўра, бу юмуш 15 сентябрда тугалланади, 20 сентябрдан бошлаб эса оммавий равишда машина теримига тушилади. Ҳамманинг диққат эътибори мана шу нуқтада жамланган.

Совхоз директори Анваржон Маҳмудов ҳар бир механизаторни ўзининг акаси ё укасидай кўради. Ҳазил-мутойиба қилади, кўнглини хушлайди, уларни кўкларга кўтаради, талаб ва истакларини бутун вужуди билан эшитади.

— Булар бизнинг суянган тоғимиз, — дейди у йигитларни кўрсатиб. — Мана бу шунқор кема сарбони Неъматжон Ҳамдамов. Унинг қаторида Қобилжон Эргашев, Сойибжон Раҳмонов, Одилжон Ҳайдаров, Сотволди Мирзакаримов... Бариси бир-биридан меҳнаткаш. Ўтган йили 180 тоннадан 200 тоннагача пахта теришган.

Директорнинг суворийларга катта меҳр билан қараши, иззат-икроми ибратли. Бундай ҳурмат ҳар қанақа одамнинг ғайратига ғайрат қўшади, ҳалол ишлашга ундайди, қийин дамларда юкнинг ерда қолмаслигига кафолат беради. Аслида унинг хотиржамлиги ва қувноқлиги боиси шу йигитларнинг борлигидан.

Ана, Қобилжон баъзи эҳтиёт қисмларни такроран мойлаяпти. Одилжон тракторининг ғилдирагини топтозалаб ювмоқда. Сойибжон барабанларнинг ишлашини кузатаётир. Сотволди мотор овозига қулоқ тутаяпти. Машиналар эса, агар ҳозир пахта теримига дейилса, пайкалга йўл олаверади.

— Сиз ким билан мусобақадошсиз? — сўрайман Сойибжондан.

У мийиғида кулди, шошилмасдан шерикларига боқди, сўнгра худди уларнинг ҳам фикрини жамлаётгандай оҳиста жавоб берди:

— Ким ўзарни айтаяпсизми? Бунақаси илгарилари дафтарларда бўларди. Ҳозир унақаси йўқ.

— Ҳозир, — дея суҳбатга аралашади Қобилжон, — мақсад пахтани сифатли териш. Ким шунга эришса, ўша мусобақада ғолиб чиқади.

— Яна бир гап, — деди Сотволди, — шпинделлардан қийналаяпмиз. Эскиларини созлаб қўйдик. Эски эски-да. Янгисига нима етсин!

Қобилжон, Сойибжон, Одилжон, Сотволдилар билан узоқ суҳбатлашдик. Машина теримининг ҳар тоннасига 10 сўмдан ҳақ тўлашдан тортиб бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатигача, қишлоқ ҳаётидан бошлаб мамлакатимизда юз бераётган тангликларгача баҳс юритдик, нуқтаи назарларимизни ўртага ташладик. Гурунгга Анваржон ака тез-тез жонланиш бағишлаб турди. Негадир, унинг фикри кўпинча механизаторларнинг қарашлари билан бир жойдан чиқарди.

Суҳбатдан сўнг шундай хулосага келдим: андижонлик суворийларнинг шаштлари баланд. Демак, вилоят деҳқонлари бу йилги режани албатта адо этадилар.

— Ўнинчи октябрда, кўрасиз, маррани забт этамиз, — фикримни маъқуллади Қобилжон.

Избосканлик суворийлардаги ишонч, ғайрат ва қатъиятлик комсомолободлик, бўзлик, балиқчилик механизаторларнинг шу кунлардаги ҳолатларини тасаввур қилишимга кўмаклашди. Улар ҳам шундай фикрда эканликларига асло шубҳам йўқ. Қани, қўлингизни беринг, андижонлик суворийлар! Улкан кураш майдонига киришингиз олдидан дилдан муборакбод этиб қўяй. Омадингиз келсин, Андижоннинг аввалги шуҳратини тиклаш сизларга насиб этсин! Оқ йўл!

**А. ҚОРАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

## ПАХТА ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁР

**Андижон вилояти пахта заводларида қурилмаларни ремонт қилиш ва янгилаш ишлари тугалланди. Уларнинг жамоалари энди янги ҳосил пахтасини кутиб олишга тайёр бўлиб туришибди.**

**Бу йил вилоят пахта тозаловчилари ишлаб чиқаришни ишга тайёрлаш учун кўп миллионлаб пул сарфлашди. Қўқонқишлоқ, Хўжаобод, Оқолтин заводларида янги пресслар ўрнатилди. Москва районидаги заводда саккизта линтер-машина алмаштирилди. Қўрғонтепадаги, Чинободдаги ва бошқа корхоналарда пахтани хас-хашакдан тозалайдиган машиналарга янги мосламалар ўрнатилди.**

## ХИРМОНГА БАРАКА!

**Жумҳурият вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 11 сентябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

| Вилоятлар | Бир кунда | Мавсум бошидан | Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда | Шу жумладан машинада терилгани: Мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|
| Хоразм | 2,39 | 14,86 | 0,12 | 0,26 |
| Фарғона | 1,93 | 7,21 | 0,09 | 0,09 |
| Сурхондарё | 1,30 | 6,01 | 0,27 | 0,48 |
| Қашқадарё | 0,98 | 4,05 | 0,19 | 0,52 |
| Бухоро | 1,07 | 3,62 | — | 0,01 |
| ҚҚАССР | 0,48 | 2,06 | 0,08 | 0,14 |
| Андижон | 0,34 | 1,19 | — | — |
| Наманган | 0,49 | 1.06 | — | — |
| Самарқанд | 0,44 | 0,79 | 0,02 | 0,04 |
| Тошкент | 0,32 | 0,43 | — | — |
| Жиззах | 0,15 | 0,15 | 0,05 | 0,05 |
| Сирдарё | 0,04 | 0,09 | — | — |
| Жумҳурият бўйича | 0,86 | 3,49 | 0,07 | 0,14 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта | | | | |
| Наманган | 3,12 | 7,39 | — | — |
| Сурхондарё | 1,07 | 5,13 | — | — |
| Қашқадарё | 0,15 | 0,50 | — | — |
| Бухоро | 0,05 | 0,16 | — | — |
| Жумҳурият бўйича | 0,75 | 3,41 | — | — |

## ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ?

**Жумҳурият вилоятларида ғўзани баргсизлантиришнинг бориши тўғрисида шу йил 11 сентябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — ғўзани баргсизлантириш режаси (минг гектар), учинчи устун — бир кунда, тўртинчи устун — мавсум бошидан (режага нисбатан фоиз ҳисобида).

| | | | |
|---|---|---|---|
| Жиззах | 137 | 11,1 | 67,1 |
| Сурхондарё | 110 | 5,7 | 53,5 |
| Тошкент | 121 | 9,6 | 47,8 |
| Самарқанд | 100 | 8,4 | 46,3 |
| Қашқадарё | 183 | 8,8 | 44,7 |
| Сирдарё | 152 | 8,9 | 44,0 |
| ҚҚАССР | 120 | 8,7 | 31,1 |
| Бухоро | 115 | 5,3 | 26,8 |
| Андижон | 110 | 10,1 | 26,0 |
| Хоразм | 70 | 7,1 | 23,4 |
| Фарғона | 90 | 5,6 | 22,0 |
| Наманган | 73 | 5,9 | 20,5 |
| Жумҳурият бўйича | 1381 | 8,2 | 39,9 |

# СССР Президентининг мурожаатномаси

СССР Президенти М. С. Горбачев иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг Президентларига, Олий Советларининг раисларига, халқ депутатлари вилоят, ўлка, округ Советларининг раисларига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг раисларига «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш тўғрисида» телеграмма йўллади.

Мурожаатномада қайта қуриш жамиятдаги сифат ўзгаришларининг ҳал қилувчи босқичига кирганлиги айтилади. У теранлашиб, турмушнинг барча соҳаларини — иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларни қамраб олмоқда, аҳоли барча ижтимоий гуруҳларининг туб манфаатларига дахлдор бўлмоқда, мулкчилик, ҳокимият муассасалари, бошқарув тузилмалари муносабатларидаги туб ўзгаришларни ўз ичига олмоқда. Жараён машаққатли, зиддиятли кечмоқда, аниқ хавф-хатарлар билан таҳлика солмоқда, муайян кучларнинг қаршилигига дуч келмоқда.

Чуқур инқилобий ўзгартишлар ҳақида гап кетаётган вақтда буларнинг ҳаммаси моҳиятан муқаррардир. Бунда сиёсий йўлни изчиллик билан, оғишмай амалга ошириш, ўтиш босқичидаги нуқсонлар кескин беқарорлик тусини олишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Ижтимоий-иқтисодий буришнинг руҳи ва у билан боғлиқ қийинчиликлар барча поғоналардаги ҳокимият ўз ваколатларидан ва қонун кучидан тўла фойдаланиб, қатъий ҳаракат қилишини тақозо этади.

Лекин бизда худди шу ўринда марказий, жумҳурият ва барча маҳаллий идоралар фаолиятида заифликлар, жиддий хато ва нуқсонлар кўриниб қолди, деб таъкидлайди М. С. Горбачев.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатни безовта қилмоқда, одамларда ташвиш ва хавотирлик уйғотмоқда, бошқариб бўлмайдиган ҳолатни вужудга келтирмоқда, ишда келишмовчиликларга, масъулиятсизликка олиб келмоқда, қонунларга ва давлат интизомига нисбатан йўл қўйиб бўлмас даражада енгил муносабат туғдирмоқда.

Агар ушбу жараёнлар ҳозирнинг ўзида тўхтатилмаса, у бизнинг бутун ишимизни янада кўпроқ мушкуллаштириши ва шу тариқа қайта қуриш жараёнларига тўсқинлик қилиши, қайта қуришга қарши кучлар янада фаолроқ ҳаракат қилишлари учун баҳона бўлиши мумкин.

Бундай аҳволга энди тоқат қилиб бўлмайди, дейди Президент ва учта масалага эътиборни қаратади.

Биринчидан, жамиятда ҳар қандай норма, принцип ва қонунларни инкор этиш одатига барҳам бериш керак. Бу иллат қонунчилик, ижрочилик ва судлов ҳокимиятининг бутун системасини ишдан чиқариши мумкин. Биз ҳуқуқий давлатни барпо қилар эканмиз, қонун чиқариш жараёнидаги кўпгина нарсаларни, қонунларнинг мазмунини ҳам қайта қуришимиз керак ва аминманки, қайта қурамиз. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам конституцион нормаларни сўзсиз бажариш, амалдаги қонунларга риоя этиш зарур.

Иккинчидан, қонунсизлик иқтисодий соҳада айниқса зарарлидир. У мамлакат турмушининг асосларига ва ҳар бир кишининг фаровонлигига путур етказади.

Қарор топган хўжалик алоқаларининг бузилиши, шартномавий мажбуриятларни бажаришдаги ўзбошимчалик, маҳсулот етказиб бериш интизомининг барбод этилиши, иқтисодий тартибсизлик ва хўжасизлик ҳақиқий кулфатга айланди.

Биз нарсаларга очиқ-ойдин қарашимиз керак: бундай қонун бузишларнинг миқёслари катта ва у кучайиб бормоқда. Кўп ҳолларда қонун бузилишига йўл қўйганлар жазоланмай қолаяпти — бу раҳбарларга ҳам, жамоаларга ҳам, марказий бошқарув идораларига ҳам тааллуқлидир. Бундай аҳвол иқтисодий вазиятни соғломлаштиришни — бозорга ўтиш босқичидаги қийинчиликларни янада оғирлаштиради, деб таъкидлайди Президент.

Бу иқтисодий соҳа учун масъул бўлган барча даражалардаги ходимлар эътиборини ўз мансаб вазифаларини бажаришда улар тўла жавобгар эканликларига қаратади. Энди юзага келган шароитда у ёки бу ходим қайта қуриш қийинчиликларини баҳона қилиб бекор қараб туришларига чидаб бўлмайди.

Учинчидан, жиноятчилик жамият учун жиддий хавф туғдирмоқда. Жиноятчилар фуқароларнинг хавфсизлиги ва ҳуқуқларига, моддий бойликларга, маданий қадриятларга ва ҳатто мамлакатнинг дахлсиз жамғармаларига қасд қилмоқда.

Жиноятчиликнинг кучайиши жамиятдаги ахлоқий-сиёсий иқлимга жуда салбий таъсир қилмоқда, давлатнинг одамлар қонуний ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш қобилиятига бўлган ишончга путур етказмоқда. Мамлакат баъзи минтақаларида уюшган жиноятчилик жуда хавфли вазиятни вужудга келтирмоқда.

Президент юзага келган аҳволни жуда ташвишли деб ҳисоблайди, унга қарши бир ёқадан бош чиқариб қатъий ҳаракат қилиш талаб этилади. Биринчи навбатда қонунларнинг бузилиши билан муроса қилаётган ва жамиятга қарши кучлар тазйиқи остида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўз вазифаларини бажаришга кўпинча тўсқинлик қилаётган ҳокимият идораларининг тутган йўлини тубдан қайта кўриб чиқиш керак. Айни вақтда кўпгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳам ўзларининг бевосита вазифаларини ёмон бажараяптилар, жиноятчилик тазйиқи олдида ожизлик қилмоқдалар.

Жамиятда ушбу масала юзасидан қарор топаётган кайфиятни ҳам ўзгартириш керак. Бир томондан, жиноятчилик кўпаяётганлиги муносабати билан қонуний ғазабланиш билдирилади, иккинчи томондан эса жамоатчилик жиноятчиликка қарши курашдан бўйин товлаётганлиги кўриниб турибди, баъзи ҳолларда эса уларга ҳомийлик қилинаяпти, гуноҳлари кечиб юборилаяпти. Барча учун ҳаётий зарур бўлган бу масалага нисбатан корхоналар жамоалари, шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳолиси, бутун жамоатчиликнинг муносабатини тубдан ўзгартирмасдан туриб жиноятчилик сабабли вужудга келган хатарли аҳволни ўзгартириб бўлмайди.

Президент шу фикрларни яна бир карра таъкидлайди: агар қонун тантанасини таъминламасак, олдимизга қўйилган мақсадга эриша олмаймиз. Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва интизомни қарор топтиришдек оғир ва кечиктириб бўлмайдиган вазифани барча даражалардаги ҳокимият идоралари, бутун жамоатчилик зиммага олмасалар, ССР Иттифоқини миллий-давлат ва ҳуқуқий жиҳатдан қайта қуриш, бозор муносабатларига ўтиш, жамиятни маънавий жиҳатдан янгилаш — буларнинг ҳаммаси яхши ниятлигича қолиб кетаверади.

Президент ўзи телеграмма йўллаган ташкилотларга кўрилган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари тўғрисида шу йилнинг 15 октябрида ва 1991 йилнинг 1 январида маълум қилишни таклиф этди.

(ТАСС).

## М. С. Горбачев телефон орқали Г. Коль билан суҳбатлашди

10 сентябрь куни Москвада «икки плюс тўрт» формуласи асосида бўладиган мажлис арафасида ва ўтган ҳафтада бўлган суҳбатнинг давоми сифатида СССР Президенти билан ГФР канцлери икки томонлама муносабатлар масаласини муҳокама қилдилар.

(ТАСС).

## ЭЛЕКТРОНЧИЛАР АНЖУМАНИ

10 сентябрь куни Самарқандда «Янги туркумга мансуб программавий ва ҳисоблаш системалари» мавзуидаги халқаро конференция очилди.

Уни Самарқанд дорилфунуни, «Диалог» Совет — Америка корхонаси ҳамда СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг ҳисоблаш маркази билан бирга уюштирган. Анжуман ишида СССР, АҚШ, Швейцария, Дания, ГФР, Италия, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг олимлари қатнашмоқдалар.

Тўрт кун давомида олимлар ҳисоблаш системаларининг архитектураси, уларнинг программавий таъминоти, системаларнинг ақлий воситаларини кучайтириш муаммолари ва бошқа масалаларни муҳокама қиладилар.

Конференция доирасида «Диалог» қўшма корхонасининг мутахассислари билан АҚШ ва Ғарбий Европанинг етакчи фирмалари ишлаб чиққан компьютер техникаси ва программавий таъминот тижорат кўргазмаси ишлайди.

*Муаммо кўндаланг қўйилади*

# ХАРИДОР ДАЛАГА КЕЛСИН

**Пишиқчилик деҳқон учун ҳам қувончли, ҳам ташвишли. Қувончи шуки, йил бўйи тўкилган пешона тери самараси ушбу мавсумда юзага чиқади, дастурхонимизга файз киритади. Ташвишининг буромади сал узунроқ...**

Сўнгги йилларда жумҳуриятимизда, жумладан, районимизда пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш йўлида салмоқли ишлар қилинмоқда. Пахтадан бўшаган ерларга, табиийки, сабзавот-полиз экинлари экилаяпти, боғ-роғлар барпо қилинмоқда. Авваллари дастурхонимиз кўрки бўлган қовун-тарвуз айрим хўжаликлардагина етиштириларди. Ўтган йилдан бошлаб бизнинг жамоамизда ҳам полизчиликни ривожлантиришга эътибор берилмоқда.

Колхозимизда бундай экинларга 13 гектар ер ажратилган бўлиб, унинг 11 гектарига тарвуз, қолганига қовун экилган. Жами майдон оилавий звеноларга бўлиб берилган. Бу жамоаларга Дамин Раҳмонов, Ўктам Аҳмедов, Бахтиёр Раҳмонов ва Салим Ҳакимов каби тажрибали полизчилар раҳбарлик қилмоқдалар.

Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, оила аъзоларимиз билан бир гектар майдонда тарвуз етиштираяпмиз. Бултур шунча пайкалдан 300 центнер ўрнига 350 центнер ҳосил олгандик. Бу йил эса 400 центнерлик маррани мўлжаллаб турибмиз.

Жумҳуриятимизда полизчиликнинг обрўси хийла тушиб кетгани сир эмас. Бунинг асосий сабаби, менимча, миқдор кетидан қувиб, маҳсулот сифати унутилганлигидадир. Айрим виждонсизлар кўпроқ ҳосил ундириш мақсадида қовун-тарвуз пайкалларига кимёвий ўғит солишга зўр беришди. Оқибатда неъмат турли касалликлар манбаига айланди. Бу ҳол, афсуски, ҳамон содир бўлмоқда. Ўша пул бандалари эски касалдан қутула олмаяптилар, деҳқон номига иснод келтирмоқдалар.

Хўжалигимизда аҳвол бутунлай бошқача. Қовун-тарвуз асосан бедадан бўшаган тоза ерда етиштирилмоқда. Бунда кимёвий ўғит мутлақо ишлатилмайди. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, уруғ қадашдан аввал ер қайта-қайта чуқур ҳайдалиб, экинга кўнгилдагидай ишлов берилса, заҳарли дориларсиз ҳам бемалол мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин. Бундай қовун-тарвузни истеъмол қилган одам деҳқонга раҳмат айтади.

Мени кўпдан ўйлантираётган ва ташвишга солаётган муаммолардан яна бири полиз маҳсулотлари харид нархининг пастлигидир. Биз ҳозиргача тарвузнинг килосини давлатга атиги 7 тийиндан сотаяпмиз. Самарқанд шаҳридаги бозорларда эса килограмми 40—50 тийин. 7 тийин қаёқда-ю, 40—50 тийин қаёқда?! Бинобарин, жумҳуриятимизда полиз маҳсулотларига белгиланган эски харид нархини ўзгартириш пайти келди. Ҳолбуки, турли техника воситалари, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари баҳоси йил сайин ортмоқда. Мавжуд аҳвол эса полизчининг қўлини ишдан совутмоқда.

Етиштирилган ҳосилни топшириш билан боғлиқ қийинчиликлар ҳам бизни ташвишлантирмоқда. Полизчи қовун-тарвузни экиб, кетмон чопиб чарчамайди. Аксинча, уни сотишда тинкаси қурийди. Бултур хўжалигимизда полиз майдонларининг ярмига эртаги тарвузнинг «Мармар» нави экилганди. У пишиб етилгач, Россиянинг қайсидир шаҳрига жўнатиш учун 50 тонна маҳсулотни вагонга орта бошладик. Бу юмушни энди тугатдик деганимизда, «У ёққа бунақа тарвуз керакмас», деган кўрсатма келди. Шунча юкни қайтадан араваларга жойлаб, уйма-уй юриб, аҳолига килосини 7 тийиндан зўрға тарқатдик. Жорий йилда эса эртаги тарвуздан воз кечиб, асосий майдонларга кечки «Ҳайитқора» нави уруғини қададик. Бундан ким наф кўрди-ю ким зарар?

Полизчи меҳнати қадрланиши керак. Бу масалада деҳқон ёрдамга муҳтож. Яъни маҳсулот яқин атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда сотиладими ёки шартнома асосида жумҳуриятдан ташқарига чиқариладими — ҳар қанақа вазиятда ҳам савдо ташкилоти вакилини даламизда кутайлик. Майли, у тарвузни сайлаб-саралаб олсин. Ҳақини тўлаб, истеъмолчиларига олиб кетсин. Ана шунда «маҳсулот ириб-чириб кетди» қабилидаги меъдага теккан машмашалар камаяди. Деҳқон юки енгиллашиб, меҳнати қадр топади.

**Р. ИСКАНДАРОВ,**

**Оқдарё районидаги «Москва» жамоа хўжалиги полизчилик звеносининг бошлиғи.**





**Булунғур районидаги Навоий номли ва Ҳамид Олимжон номли давлат хўжаликларида сабзавот майдонлари оилавий ижарачиларга бўлиб берилган эди. Бунинг самараси кўзга яққол ташланмоқда. Ҳар гектар ердан 220 центнер ўрнига 500—550 центнердан помидор олинаяпти.**

**СУРАТЛАРДА: илғор ижарачилар Замира Жумақулова ва Ҳабибулло Муродов.**

Т. ДАВЛАТОВ олган суратлар.

# СЎЗ МУЛКИ

*Тилимиз—дилимиз*

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганига бчр йилга яқинлашиб қолди. Шу вақт ичида Атамашунослик комитети ташкил этилди, жумҳурият Фанлар академиясига тилшунослик жамиятини тузиш, Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар тилини илмий асосда ўрганиш топширилди. Бу тадбирлар биринчи навбатда ўзбек тилини бундан буён ривожлантириш учун назарий ва амалий ишларнинг бошланиш нуқтасидир. Ҳукумат белгилаган бу вазифалар ўзбек тилини ҳар томонлама мукаммал ўрганиш дастурини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бажариладиган ишлар режаси аниқ белгиланган бўлиши ва уни ижро муддатлари, масъул илмий муассасалар, идоралар, нашриётлар ҳам кўрсатилиши шарт. Тилимизнинг бугунги аҳволини яхшилашга, обрўсини кўтаришга қаратилган шу каби илмий муаммолардан баъзилари ҳақида мулоҳазаларимизни ўртоқлашиш ниятидамиз.

Биринчи навбатда Ўзбекистонда махсус тилшунослик институти тузиш керак. Демак, жумҳурият Вазирлар Кенгаши қошидаги Атамашунослик комитетини ҳам ана шу тилшунослик институтига қўшиб, икковини бир илмий муассасага айлантириш лозим. Чунки беш-олти кишидан иборат бўлган комитет катта мақсадларни амалга оширишга қодир эмас. Бирлашган институт ҳузурида туркология, араб, форс (эроний) тиллар бўлимларини очиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар ва Шарқшунослик институтларидан ҳам ташкилий жиҳатдан фойдаланишни ўйлаб кўрса бўлади. Аввало А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фаолиятини давлат ва халқ манфаатлари, илм-фан тараққиёти нуқтаи назаридан жиддий ўрганиб чиқилса, муайян хулосаларга эга бўлиш мумкин. Институтда узоқ йиллардан бери тўпланиб қолган барча иллатлар учун айбдор шахслар ким бўлишидан қатъий назар ҳеч аямай фош қилиниши зарур. Мазкур муассасанинг истиқболда илмий имкониятларини, умидли кучларини, биринчи навбатда ёш ходимларини, маҳсул бера оладиган олимларни номма-ном аниқлаш даркор. Ундан кейин ўзбек тилига муносабатни барча соҳада — мактаб ва олий ўқув юртларида, турли идораларда, ўзга миллат вакиллари ва раҳбарият доираларида тубдан ўзгартириш керак. Булар ташкилий масалалардир.

Илмий йўналишда эса аввало ўзбек миллий адабий тилига муносабат масаласини ойдинлаштириш лозим. Шубҳасиз, бу миллат масаласи билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда узоқ йиллардан бери миллат ва миллий масалага доир жиддий илмий иш қилингани йўқ. Жумҳуриятимиздаги халқларнинг манфаатлари, тарихи, урф-одати, диний ақидалари, тиллари, лаҳжалари, ҳис-туйғулари, энг аввало уларнинг ҳудудий тарқалиши ва жойлашиши, шулар билан боғлиқ муаммолар, истак-талаблар, экология, ер-сув, яйлов, табиат мувозанати, иқтисодий, маданий-маърифий масалаларни чуқур ўрганиш учун ҳар йили академиянинг ижтимоий фанлар бўлими катта-катта илмий экспедицияларни ташкил этиши лозим эди, бу амалга ошмади. Халқнинг маданият ва иқтисодиётга оид турмушидан тўпланган бой материаллар ўрганилиб, ҳалоллик ва тўғрилик билан талқин этилмади, китоблар, айни чоғда партия ва ҳукуматимизга миллий масалага доир тегишли тавсиялар берилмади. Ҳолбуки, жумҳуриятимизда миллат ва миллатлараро муносабатлар борасида аллақанча муаммолар тўпланиб қолган, улар ўз ечимини кутмоқда эди. Масалан, «миллат», «миллий маданият» ва «миллий тил» масалалари маҳаллий материаллар асосида илмий равишда ўрганилиб чиқилмагани учун ҳам ҳозирги тилимизнинг аҳволига, тараққиёт даражасига тўғри баҳо беролмай қийналмоқдамиз.

Ўзбек халқи капитализмни бошидан кечирмади ҳисоб. Кишиларни уюштиришда, уларнинг меҳнатга муносабатини оширишда, тил ва маданият ривожида капитализмнинг роли шубҳасиздир. «Миллат» ва «миллий тил» тушунчалари ҳам энг аввало капитализм билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Масалага доир ўзбек тилида ёзилган ишларнинг аксариятидаги асосий фикрлар рус тилидаги адабиётлардан олинган. Мана, бир мисол: «Ўзбек совет энциклопедияси»да «ўзбек миллати», «ўзбек миллий тили» ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Лекин «миллат» ва «миллий тил» деган умумий мақолалар берилганки, бу хилдаги маълумотларни бошқа энциклопедия ва луғатлардан ҳам топиш мумкин.

Ўзбек қомусининг «Миллий тил» деган мақоласида ўзбек тилига тегишли фақат сўнгги бир жумла бор: «Совет Иттифоқидаги бошқа миллатлар сингари ўзбек тили (?) ҳам Совет ҳокимияти йилларида ҳар томонлама камол топди, социалистик ўзбек миллатининг адабий тили сифатида тўла шаклланди ва тараққий этган миллий даражасига (?) кўтарилди».

Қуруқ мақтовдан иборат бу гапларга қўшилиб бўлмайди.

Ўзбек халқи Октябрь инқилобигача Россиядаги каби капиталистик шароитни, рус халқи босиб ўтган миллий ривожланиш йўлини бошидан кечирган эмас. 30-йилларгача ҳам ўзбеклар, айниқса қишлоқларда уруғ бўлиб ёки майда-майда қишлоқ ва овулларда ўта тарқоқ ҳолда, айтиш мумкинки, кўпчилик ерларда уруғ-қабилачилик шароитида яшаб келдилар.

Шунинг учун ҳам ўзбеклар орасида кучли аралашиш, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида бирлашишнинг имкони йўқ эди. Шаҳар билан қишлоқ бир-биридан жиддий тафовут қиларди. Жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидаги қишлоқлар, чўл минтақаларида ярим қабилачилик ҳолида тарқоқ бир йўсинда яшаб келган ва жуда кўплаб уруғ-қабилалардан ташкил топган (бундай уруғлар ҳали-ҳануз мавжуд) ўзбек халқи Октябрь инқилоби юз бериши билан (бу инқилоб ҳам аслида бизда 20-йиллардан кейин бўлди) социалистик миллатга, унинг тили миллий ўзбек тилига айланиб қолдими?

Ўзбек ишчилар синфи ҳозиргача тўлиқ шаклланмаган. Бу ҳам миллатнинг бир хусусиятини кўрсатадиган мисол. Бундан ташқари миллат бўлиб тўлиқ уюшиш учун уруғ бўлинишлари ва маҳаллийчилик кайфиятидан тўла бўлмаса ҳам қутулмоқ лозим. Бирор халқ тилининг миллий тил бўлиб «миллий адабий тил» тусиқ бўладиган муҳим омил — кўп шева-лаҳжаларнинг мавжудлигидир. Бу жиҳатдан СССРдаги 134 тилнинг бирортаси ҳам ўзбек тиличалик кўп шевали эмас. Ҳозир ҳам энг ўқимишли зиёлиларимиз, маданият арбобларимиз шевачиликдан қутулган эмаслар, улар асосан ўз шеваларида сўзлайдилар.

Айтилганлардан хулоса шуки, ўзбек тилига давлат мақоми берилишидан аввал ўрганилиб, ишланиши ва тил қонунларида ҳам қисман қайд этилиши лозим бўлган масала — «ўзбек миллати», «миллий тил», «миллий адабий тил» тушунчалари, уларнинг мазмуни ва моҳиятини белгилаш, шу тушунчалар бўйича ўзбек халқи ва тилининг тараққиёт даврлари ҳамда даражасини тайин этишдан иборат эди. Ҳозир шу масалаларни ўрганиб, уларни илмий талқин қилишда бир хилликка эришиш вазифаси турибди. Бу ишларни файласуфлар, тарихчилар, этнографлар, тилшунослар, адабиётшунослар ва ёзувчилар биргалашиб амалга оширишлари лозим. Ўзбек миллати ва миллий, тилини шаклланиб, ташкил топиб бўлган ҳамда энг тараққий этган миллатлардан ва миллий тиллардан биридир, деб талқин қилиш илмий жиҳатдан нотўғри. Ўзбек халқи миллат сифатида, ўзбек тили (адабий тил ҳам), миллий тил сифатида ҳозир шаклланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Бу эса жуда мураккаб ва кўп қиррали жараёндир.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан сўнг бажарилиши лозим бўлган яна бир муҳим масала тилимиз тарихи, унинг ҳозирги аҳволи, грамматикаси, лексикаси, фонетикаси, умуман ўзбек тилшунослиги соҳасида олиб борилаётган илмий ишларнинг аҳволини тубдан яхшилашдан иборат. Тил ҳақидаги қонунни амалга ошириш талаби билан фақат академия эмас, балки жумҳуриятимизнинг барча институтлари ва дорилфунунларида ўзбек тили, унинг тарихига оид илмий ишлар режаларини қайта кўриб чиқиш, 15—20 йиллардан кейин ишласа ҳам бўладиган мавзулардан воз кечиб, ҳозирги кун нуқтаи назаридан, яъни ўзбек тилини ривожлантириш давлат программасини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган мавзуларни ишлаб чиқиш биринчи ўринга ўтиши лозим. Бундай ишларни эса фақат бир марказдан туриб, пухта уйғунлаштириш ва унинг назоратини таъминлаш мумкин.

Ўзбек тилини бундан буён ривожлантиришнинг муҳим бир йўли умумдавлат миқёсида сақланиб, қўриқланиши лозим бўлган йирик, ягона ва марказлашган сўз мулкини — ўзбек тилининг бой картотека хазинасини яратишдир. Ҳозир Тил ва адабиёт институтининг луғат бўлимида сақланаётган картотека фондида ҳаммаси бўлиб икки миллиондан кўпроқ сўз (қайтариқлари билан) тўпланган. Лекин қайтарилмайдиган асл сўзлар неча юз минг чиқишини ҳеч ким аниқ билмайди. Демак, у яхши ўрганилмаган. Шу пайтгача нашр этилган ва бир-бирига ўхшаб қолган икки тилли ва изоҳли луғатлар ана шу камбағал сўз фондининг маҳсулидир. Бинобарин, бу луғатлар жумҳурият матбуоти саҳифаларида қайта-қайта танқидга учрамоқда. Ҳолбуки, картотека фонди давлатга жуда қимматга тушган. Ягона илмий марказдаги асосий сўз фондимизнинг аҳволи шу тариқадир.

Бу сўз фондига топонимлар, турли атамалар, киши исмлари, уруғ-қабила номлари каби барча турдаги тарихий ва ҳозирги сўзларни қўшиш, уни Алишер Навоий, ундан бир неча асрлар аввалги Ўрхун ёзувлари, Маҳмуд Қошғарий замони ва кейинги давр ёзувларининг сўз мулки, айниқса ҳозирги адибларимиз асарларидаги сўзларни ҳам қўшиб бойитиш даркор, токи умумдавлат миқёсидаги бу сўз хазинаси, ҳаммага, ҳар хил касбдаги кишилар (олимлар, шоир-ёзувчилар, таржимонлар)га асқотадиган бўлсин. Ундан чорвачилик, гиламдўзлик, деҳқончиликнинг турли тармоқлари, урф-одатлари ва расм-русмга доир, хуллас, барча соҳаларга тегишли сўзларни қийналмай топишнинг имконияти яратилсин. Бу ягона сўз мулки хазинасини тўлдириб бориш, уни алифбо ва мавзу гуруҳлари бўйича ишлаш, тартибга солиб бориш йўллари пухта ишлаб чиқилиши ва оғишмай амалга оширилиши лозим.

Сўзларни тўплаш учун ҳақ тўлашни ҳам ўйлаб кўриш керак. Улар ҳам инсонга ўхшаб эскириб, ўлиб, йўқолиб туради. Янгилари эса ҳар хил йўллар билан пайдо бўлади. Эскириб, истеъмолдан чиқиб кетадиган ўзбек сўзлари ҳам дом-дараксиз йўқолмасин, уларни керак бўлганида ўша давлат сўз мулки хазинасидан топайлик. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган ҳозирги кунда айрим русча атамалар ёки сўз-терминларнинг ўзбекча муқобилларини топишда қийинчилик туғилмоқда.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, «Ёшлик» журнали жуда хайрли иш қилмоқда. Бироқ унинг бир камчилиги бор: «Тил сандиғи»да берилаётган ҳар бир сўз мисол тариқасида гап ичида келтирилса, жуда маъқул бўлар эди. Чунки сўз гап ичида келса, унинг маъносини, қандай услубий ният билан ишлатилишини илғаб олиш осон бўлади. Кейин бу сўзни бошқа ўринда ишлатилганда янглишилмайди. Бошқа мўътабар журнал ва газеталар ҳам ўз саҳифаларида шундай «Тил сандиқ»ларини очишса, яхши бўларди.

Навбатдаги яна бир масала — бу луғатчилик ишларини кенг кўламда бошлашдан иборат. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига бобомиз Навоий ва унинг ўтмишдошлари асарларидаги сўзларнинг кирмай қолишини тасаввур қилиш қийин.

Ниҳоят, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан сўнг бажарилиши лозим бўлган муҳим ишлардан яна бири матбуот тилини демократиялаш устида жиддий ўйлаб кўриш лозим. Ўзбекистонда жуда кўплаб газета ва журналлар чоп этилади. Узоқ йиллар давомида ҳар хил сабаблар билан ана шу вақтли матбуотнинг ҳар бирига ва умуман ахборот воситаси тилига хос услуб шаклланиб қолганки, бу халқ тили услубларидан анча тор, унда фикрларни «рамкалаштириш» ёки қолиплаш каби қотиб қолган қуйма иборалар, халқ тилидан узоқ ва рус тилидан таржима қилиш асосида пайдо бўлган ҳамда зўрма-зўраки яшаб юрган бирикмалар — узун қўшма гаплар кўпроқ учрайди. Умуман халқ тилининг услубий йўналишларидан кенгроқ фойдаланиш, унинг унсурларини кўпроқ ишлатишга ҳаракат қилиш лозим. Халқнинг тилида чўпон, чўлиқ, қўйчивон, тўл (бир қўйнинг эмас, умуман қўйларнинг қўзилаш мавсуми), бағана, қоракўл, ўлик қирқим, тирик қирқим, марри (боласи сўйилган қўйлар) каби сўзлар бўлгани ҳолда қўйчилар, қоракўлчилар, тўл олиш мавсуми, кичик чўпон, қоратилла, жун қирқиш, совлиқ (соғиладиган қўй) каби сўзларни янглиш қўллаш ҳоллари баъзан мухбирларимизнинг эринчоқликларидан дарак беради. Бирор нарса ҳақида ёзиб олаётганда ўша нарса-ҳодисага доир сўзларни ҳам халқнинг ўзидан сўраб билса бўлади.

Матбуот тилининг ифода услубини демократиялаш учун таҳририят ходимлари муаллифлар билан ишлаш усулини ҳам бошқача йўналишга буришлари керак. Бунинг учун мақолаларни таҳрир қилиш баҳонасида ҳадеб «рамкалаш»тиравермасдан, уларнинг ўзига хос ифода услубларини газета ва журналларда кўпроқ акс эттириш керак. Чунки ҳар бир муаллиф адабий тил вакили бўлишидан ташқари у бошқа бир шеванинг — халқ тили бир тармоғининг ҳам вакилидир. Миллий тил сари ривожланаётган ўзбек адабий тилининг асосий ифода воситаларидан бири бу матбуот тилидир. Шунинг учун унинг бой ва услуб жиҳатидан ҳам кенг кўламли бўлишига эришмоғимиз лозим.

Имконият доирасида ўзбек тилига давлат мақоми берилганидан сўнг бажарилиши лозим бўлган назарий ва амалий ишларнинг айримлари ҳақида мулоҳаза юритдик. Юқорида айтилган ишларни амалга оширишга киришиш эса ўзбек тили тараққиётига онгли аралашувнинг таъминланиши бўлади. Ҳар қандай ривожланган миллий адабий тил ҳам ўзининг олимларию шоир-ёзувчилари, ноширлари, адиблари ва умуман кенг зиёлилар оммасининг фаоллиги натижаси ўлароқ мукаммалликка эриша боради.

**Дўстмурод АБДУРАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.**

## ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

### РАЙКОМ МУКОФОТ БЕРАДИ

● САЛЬЯНИ (Озарбайжон ССЖ). Пахта терими вақтида ўрнак кўрсатган кишиларга рағбатлантирувчи мукофотлар бериладиган бўлди. Бунинг учун Сальяни район партия комитети бюджетидан маблағ ажратилди. Бу ерда аввалги йиллардан фарқли ўлароқ терим даврида унга раҳбарлик қилувчи штабларни тузмайдиган бўлдилар. Бу гал партия фаоллари қишлоқ хўжалик ишлари авжи қизиган паллада мафкуравий ишлар олиб боришади, партиявий назорат ўрнатишади. Бу иш билан махсус гуруҳлар шуғулланмоқда. Гуруҳларга коммунистлар ва партиясизлар фикрини эътиборга олиб, тажрибали ташвиқотчилар, халқ депутатлари, назоратчилар аъзо қилиб олинди.

### ОЛИМЛАР — ДЕҲҚОНЛАРГА

● ГРОЗНИЙ. Чечен-Ингушия жумҳурият қишлоқ хўжалик тажриба станцияси негизида беда ва рапс Умумроссия илмий тадқиқот лойиҳа-технология институти ташкил этилди. Ана шу энг қимматбаҳо экиннинг мўл ҳосил берадиган янги навлари селекциясидан тортиб, уларни етиштириш ва қайта ишлаш борасидаги замонавий технологияларгача бўлган босқичда деҳқонларга ёрдам бериш институт олимлари ва мутахассисларининг вазифасидир. Мухтор жумҳурият мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига ҳар йили 2 минг тоннадан кўпроқ уруғлик етказиб беради. Илгари қимматли оқсил моддали экинларни парваришлашнинг илмий асосланган йўриғи ва услублари бўлмаганлиги сабабли уруғлик етиштиришни кўпайтириш мумкин эмасди. Камдан-кам ташкилотлар махсус машиналар ва механизмларни яратиш билан шуғулланишарди. Беда ва рапс институти ана шу ва бошқа камчиликларни тугатиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

### СТАЛИНИЗМ ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ

● АРХАНГЕЛЬСК. Оқ денгиздаги Соловец оролларидан келтирилган улкан қоятош Сталин қатағонлари қурбонлари абадий хотирасининг рамзига айланди. Архангельск шаҳри хиёбонларидан бирида қутб ортидан келтирилган 10 тонналик баҳайбат тош тантанали равишда ўрнатилди. У сталинизм қурбонларига бу ерда ўрнатилаётган ёдгорликнинг бир қисми бўлиб қолади.

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

### АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

**ВАШИНГТОН. (ТАСС мухбирлари Алексей БЕРЕЖКОВ, Олег ПОЛЯКОВСКИЙ, Андрей ШИТОВ). АҚШ президенти Жорж Буш Хельсинкида бир кунлик олий даражадаги Совет—Америка учрашуви тугаганидан кейин якшанба куни ярим тунда Вашингтонга қайтди.**

**«Биз учрашув якунларидан ниҳоятда қаноатландик», — деб таъкидлади Ж. Буш журналистларга АҚШ пойтахтига қайтиб келаётган президент самолётида. Ироққа қарши жазо чораларига амал қилишга даъват учрашувнинг асосий мазмуни бўлди, деди у ва СССР билан АҚШнинг бу масалада ягона позицияда туриши «Саддам Ҳусайн учун жуда тушунарли сигнал бўлиши»ни таъкидлади. «Ўйлашимча бу бутун дунё учун ҳам сигнал бўлади ва мен бундан тўла қаноатландим», — деб таъкидлади президент.**

**Ж. Буш учрашув якунлари бўйича қабул қилинган биргаликдаги баёнотни баҳолаб, уни «ажойиб баёнот» деб атади. «Энди жазо чораларининг бажарилишини таъминлаш навбатдаги қадам бўлади», — деб уқтирди у.**

**Ж. Буш совет раҳбари билан шу йил охирларида ёки келаси йил бошларида янги учрашув ўтказиш эҳтимоли борлигини маълум қилди.**

**АҚШ давлат секретари Ж. Бейкер Хельсинкидаги музокаралар якунлари юзасидан Си-Би-Эс телекомпанияси мухбири билан суҳбатда бу музокаралар Ироқ босқинчилигига нисбатан икки мамлакат позицияларининг мос келганлигини намойиш этганини таъкидлади. Оқ уй ходимлари аппаратининг раҳбари Ж. Сунуну Эй-Би-Си телекомпаниясининг мухбири билан суҳбатида учрашув якунларини «Президент Буш билан президент Горбачев ўртасидаги ҳамкорликнинг тасдиғи» деб атади.**

### ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ИШ ТАШЛАШДИ

**БЕЛГРАД, (ТАСС мухбири Виктор Кузнецов).** Сербия темир йўлларидаги аҳвол кун сайин ёмонлашмоқда. Бу ерда Белград машинистларининг иш ташлаши давом этмоқда. Станцияларда кўпдан-кўп юк ва йўловчилар ташувчи поездлар тўпланиб қолган. Халқаро йўлларда қатновчи поездларгина жадвалга мувофиқ қатнамоқда. Югославия халқ армияси учун муттасил юк ташилмоқда.

Белград шаҳрини Адриатика денгизи соҳилидаги Бар порти билан бирлаштирувчи темирйўлда оғир аҳвол вужудга келди. Иш ташлаган кишилар Черногориянинг Никшич ва Титоград сингари шаҳарларининг ЮСФР пойтахтига борадиган тезюрар поездларни ўтказмаяптилар. Даромадлари жуда озлигини (тахминан 5 минг динор) баҳона қилаётган мамлакат бош шаҳрининг машинистлари маошлари юз фоиз оширилишини талаб этмоқдалар. Скопле (Македония) ва Сараево (Босния ва Герцеговина) темирйўлчилари уларга бирдамлик билдирмоқдалар.

Сербия ҳукумати пўлат изларда қандайдир тартиб ўрнатиш мақсадида пенсионер машинистларни ишга чиқишга чақирди. Лекин мустақил тармоқ касаба уюшмаси вакили М. Самаржичнинг айтишига қараганда, «хаста кишиларнинг» ишга қайтиши жумҳурият темирйўлларидаги ҳаракат хавфсизлигига таҳлика солади.

Белград машинистлари талаблари қондирилмаган тақдирда бошқа транспорт хизмати ходимларидан 42 минг киши иш ташламоқчи эканликларини айтиб, дўқ-пўписа қилаётганликлари ҳам аҳволни оғирлаштирмоқда. Бу эса Сербияда темирйўл ҳаракатини мутлақо тўхтатиб қўйиши мумкин.

### ИЖТИМОИЙ ПОРТЛАШ ЭҲТИМОЛИ

**МАНАГУА. (ТАСС мухбири Игорь ПШЕНИЧНИКОВ). Сандиночилар миллий озодлик фронти агар президент Виолета Барриос де Чаморро ҳукумати барча сиёсий ва жамоат кучлари билан биргаликда мамлакатдаги жуда оғир иқтисодий тангликни мумкин қадар тезроқ бартараф этишга қаратилган тадбирлар кўрмаса, Никарагуада янги «ижтимоий портлаш» бўлиши мумкин деб огоҳлантирди. Сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбариятининг аъзоси Байардо Арсе бу ерда сўзга чиқиб, «ижтимоий портлаш» октябрь ойидаёқ юз бериши мумкинлигини таъкидлади.**

**У иқтисодий муаммоларни енгиш йўлларини излашда жумҳурият учун миллий тотувлик зарурлигини айтди. Байардо Арсе сандиночилар миллий озодлик фронти номидан маъмурларнинг «меҳнаткашлар ғалабаларини тугатишга қаратилган ҳамда Никарагуада ижтимоий барқарорликка ёрдам бермайдиган» сиёсатини қоралади.**

### МУЗОКАРА БОШЛАНДИ

**МЕХИКО. (ТАСС мухбири Павел СЮТКИН).** Мексика пойтахтида Сальвадордаги 9 та сиёсий партия раҳбарлари билан шу мамлакатдаги Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти ўртасида музокаралар бошланди. Қўзғолончилар делегациясига Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти қўмондонлигининг аъзоси Шафик Хорхе Хандаль бошчилик қилмоқда.

Тор доирада ўтказилаётган икки кунлик учрашув давомида Сальвадорда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган қуролли можарони бартараф этиш йўллари муҳокама қилинади. Миллий яраш партиясининг вакили Рафаэль Мачука музокаралар бошланишидан олдин айтганидек, парламент сайловида иштирок этиш учун қўзғолончиларга фронтни сиёсий партияга айлантириш таклиф қилинади. Мамлакат қуролли кучларини ислоҳ этишнинг муросали йўлини партизанларнинг бошлиқлари билан келишиб олиш ҳам кўзда тутилмоқда. Бу Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти билан ҳукумат вакиллари ўртасидаги музокараларнинг сўнгги босқичидаги марказий масала бўлиб, бу масала юзасидан томонлар нуқтаи назарлари бир-биридан анча фарқ қилмоқда.

Ҳозирги учрашув қўзғолончилар билан ҳукумат ўртасидаги музокараларнинг навбатдаги босқичига тайёргарлик доирасида ўтмоқда. Кейинги музокаралар шу йилнинг 13—18 сентябрь кунлари Коста-Рикада бўлади.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Брент Скоукрофт Хельсинкида олий даражадаги Совет—Америка учрашувида қабул қилинган қўшма баёнотни «тарихий ҳужжат» деб атади. БМТнинг Форс кўрфази районидаги тангликни бартараф этишга қаратилган қарорларини бажариш масаласида СССР билан АҚШ қатъий позицияларининг мустаҳкамланиши тарихий аҳамиятга моликдир, деб таъкидлади у Американинг Эн-Би-Си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда.

Б. Скоукрофт Форс кўрфазидаги ҳозирги тангликни бартараф этишда Совет Иттифоқи «ғоят масъулиятли ўрин тутади» деди.

● БЕРЛИН. Германия бирлашганидан кейин Польша билан тез орада узоқ муддатга яхши қўшничилик муносабатларини, дўстона алоқаларни ўрнатишни, турмушнинг барча соҳаларида айирбош қилишни кўзда тутувчи шартнома тузиш ГФР канцлери Гельмут Колнинг мақсадидир. Бу мақсадни у христиан-демократлар иттифоқи партиясининг ГДРда ўлка сайловолди кампанияси доирасида Польша билан чегарадош Франкфурт-Одерда бўлиб ўтган митингдаги нутқида эълон қилди. Польшалик қўшниларимиз, деди канцлер, чегаралари ишончли бўлган мамлакатда яшаётганликларини билишлари лозим. Ҳозирча одамларни бир-биридан ажратиб турган бу чегара келгусида уларни бир-бирига яқинлаштириши керак.

Г. Коль социал-демократлар раҳбариятини қаттиқ танқид қилди, Колнинг гапларига қараганда, улар ишончсизлик уруғини сочиб, ГДР фуқароларини ишончдан маҳрум қилишни хоҳламоқдалар. Канцлер март ойида бўлиб ўтган коммунал сайловларда кўпгина қисми демократик социализм партияси ва ГСДП учун овоз берган шаҳар аҳолисини христиан-демократлар иттифоқидан етакчи номзод —ГДРнинг ҳозирги ички ишлар министри Петр-Михаэль Дистелга ва барча христиан-демократ номзодларга овоз беришга чақирди.

● БУДАПЕШТ. МТИ агентлигининг хабар қилишича, Венгрия ҳукуматининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди. Унда яқин уч йилга мўлжалланган иқтисодий режалар муҳокама қилинди.

Министрлар кенгаши биринчи ярим йилликда мамлакатдаги иқтисодий вазиятни таҳлил қилди. Молия министрлигининг иккинчи ярим йилликка мўлжалланган таклифларига тузатишлар киритди ва қабул қилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, иш ҳақининг энг кам миқдорини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бундан ташқари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловда майда миллатларнинг ва элатларнинг иштироки ҳамда сайловда уларга қулай шароитни таъминлаш масалалари ўрганилди.

● УЛАН-БАТОР. МХР янги чақириқ буюк халқ хурали ишининг иккинчи ҳафтаси бошланди. Депутатлар бугун ўз ваколатини топширган ҳукуматнинг ҳисобот маърузасини ва министрлар кенгаши янги таркиби фаолиятининг бош йўналишларини муҳокама қилишни давом эттирадилар.

Маҳаллий шарҳловчиларнинг фикрича, мамлакат давлат ҳокимияти олий органининг биринчи мажлиси шу ҳафтада тугаши керак. Рўзномадаги масалаларнинг ярми ҳали кўриб чиқилмаган бўлса ҳам, уларнинг фикрича, энди иш тезроқ кўчади. Чунки асосий жиҳатлар орқада қолди. Фақат бош министрни тайинлаш чўзилиб кетиши мумкин. Эндиликда Монголия ҳукуматининг бошлиғи бош министр деб юритилади.

Бир кун олдин МХР буюк халқ хурали биринчи иш ҳафтасининг охирида янги партиялардан сайланган депутатларнинг талабига биноан МХР Министрлар Кенгаши ҳузуридаги давлат хавфсизлиги бошқармаси фаолиятини текшириш учун гуруҳ тузди.

● ҚОҲИРА. Бирлашган Араб амирликлари бош қўмондонининг ўринбосари, тахт вориси шаҳзода шайх халифа Бен Зоид ал Нахайян Бирлашган Араб амирликлари қуролли кучлари ҳарбий-ҳаво базаларидан бирини ва ҳаво ҳужумидан мудофаа кучларининг позицияларини бориб кўрди, деб хабар қилди МЕНА агентлиги. У «регионда ҳозирги шароитда вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга» қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини текширди.

Шайх халифа Бирлашган Араб амирликларидаги Америка қўшинлари жойлашган ерга ҳам борди. Маълумки, АҚШ қўшинлари билан бир қаторда Бирлашган Араб амирликларига Буюк Британия, Франция, Миср Араб жумҳурияти, Сурия ва Марокаш қуролли кучларининг бўлинмалари ҳам борган. Улар Бирлашган Араб амирликлари ҳукуматининг розилиги билан Ироқ томонидан эҳтимол тутилган қуролли агрессияни даф этишда ёрдам бериш учун ушбу мамлакатга юборилган.

● МАНИЛА. Филиппин пойтахтида кескин вазият сақланиб турибди, бу ерда исёнчи ҳарбийларнинг ўнг тўдалари президент Корасон Акино маъмуриятини беқарор қилиш мақсадида террорчилик ҳаракатларини давом эттирмоқда. Ўтган йилги ҳарбий тўнтаришга уринишнинг асосий раҳбарларидан бири бўлган собиқ полковник Грегорио Онасан тарафдорларидан иборат жангарилар тўдаси Маниладаги қурол-яроғ омборига ҳужум қилиб кўп миқдорда автомат, милтиқ, пулемёт ва ўқ-дориларни тортиб олди. Лекин сўнгги кунларда оширилган жанговар тайёргарлик ҳолатида турган ҳукумат қўшинлари автобусда қочишга уринган жиноятчиларни тезда топиб олдилар. Бошланган отишма чоғида Филиппин қуролли кучларининг бир аскари ва бир террорчи ярадор бўлди. Ҳукумат қўшинлари полиция махсус бўлинмасининг фаол ёрдамида тўрт нафар жангарини қамоққа олди. Қуролли кучлар бош штаби бошлиғининг ўринбосари генерал Родольфо Биазоннинг айтишига қараганда, ашёвий далиллар билан қўлга тушган террорчилар исёнчи ҳарбийлар ўнг тўдаларининг аъзоларидир, улар ҳозир қурол-яроғ аслаҳаханаларини тўлдиришга зўр бериб уринмоқдалар.

(ТАСС).

